

## **ПРЕСС-РЕЛИЗ**

**Мавзуу:** “Мустақил юрт архивлари” мавзусидаги давра сұхбати

**Үтказиш вақти:** 2016 йил 9 июнь, соат 10:00да

**Үтказилиш жойи:** Ўзбекистон Республикаси кинофотофонан хужжатлари марказий давлат архиви, Тошкент шаҳар, Чилонзор төр күчаси, 16-йй

**Тадбир ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги

Ўзбекистон Республикаси кинофотофонан хужжатлари марказий давлат архивида 2016 йилнинг 9 июнь куни **Ўзбекистон Мустақиллик ининг 25 йиллиги ҳамда 9 июнь - Халқаро архивлар кунига бағишиланган “Мустақил юрт архивлари”** мавзууда давра сұхбати ташкил этилди.

Давра сұхбатида юртимиз Мустақиллик ининг дастлабки босқичлари түғрисида, мустақиллик йилларида турли соҳалардаги ривожланиш, ёшларга яратилган имкониятлар, имтиёзлар түғрисида, шунингдек, республика архивларининг мустақиллик даврида эришган ютуқлари, ўрнатилган халқаро муносабатлари ҳақида алоҳида сўз юритилди.

Шунингдек, мазкур тадбир доирасида **“Ўзбекистон архивлари: кеча ва бугун”** номли фотокўргазма ташкил этилди. Кўргазмада Ўзбекистон архивларининг мустақилликкача ва мустақиллик давридаги фаолияти солиштирма шаклида ёритиб берувчи фотосуратлар намойиш этилди. Фотокўргазма анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Давра сұхбати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси кинофотофонан хужжатлари марказий давлат архиви билан ҳамкорликда ташкил этилди.

**“Мустақил юрт архивлари” мавзусидаги давра сұхбатида “Ўзархив” агентлиги тизимидағи архивлар вакиллари, фаҳрли меҳмонлар, Яшнобод қурилиш касб-хунар коллекциялари ҳамда Юнус Ражабий номидаги Тошкент Педагогика коллекциялари талабалари иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси кинофотофонан хужжатлари Марказий давлат архиви етакчи архивчиси А. Абдуқодирова **“Мустақиллик ининг ёшлар учун очиб берган имкониятлари”**, мавзусидаги маъruzаси, Яшнобод қурилиш касб-хунар коллекциялари талабаси О.Рахимжонов, Б.Ибрагимов **“Мустақил Ўзбекистон архивлари ёшлар талқинида”** ва Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви катта илмий ходими Н.Мирзаевнинг **“Архив: кеча ва бугун”**, Юнус Ражабий номидаги Тошкент Педагогика коллекциялари талабаси Ш.Кобиловнинг **“Жаҳон архивларининг ишлаш услублари”** мавзусидаги маъruzалари тингланди. Маъruzаларда Мустақиллик йилларида юртимиз**

архивлардаги ижобий ўзгаришлар, замонавий технологиялар билан таъминланиши, янги бино, қўшимча сақловхоналарнинг фойдаланишга топширилиши, архивларда ходимлар ва фойдаланувчилар учун қулай шароитлар яратилганлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

**Фахрий меҳмон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Асрор Аброрхўжаев** Ўзбекистон архивларининг ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти тўғрисидаги фикрлари анжуман иштирокчилари зўр қизиқиш уйғотди.

Шунингдек тадбирда алоҳида қимматли архив ҳужжатларидан тайёрланган архивнинг фаолиятини ёритиб берувчи видео ролик ва тарихий киноҳужжатлардан лавҳалар намойиш этилди.

Давра сухбати яқунида муҳокама ва мунозаралар, қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**“Ўзархив” агентлиги Ахборот хизмати**  
**тел.: (+99873) 277-11-68, факс: 277-13-35, [www.archive.uz](http://www.archive.uz)**